

БОШ КЕЛИШУВ ДОИРАСИДА ИНДИВИДУАЛ КРЕДИТЛАШ ШАРТНОМАСИ

_____ ш. 20__ й «___» _____

Бундан буён шартнома матнида «**Банк**» деб юритилувчи «Гарант банк» АЖ
номидан Низом ҳамда Ишончнома асосида иш юритувчи
_____ БХО/БХМ бошлиғи/бошқарувчиси
_____ бир томондан, ҳамда бундан буён
матнда «**Қарз олувчи**» деб юритилувчи _____ МЧЖ,
номидан _____ асосида иш юритувчи
_____, иккинчи томондан қуйидагилар ҳақида шартнома туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Банк қарз олувчига мазкур шартномада кўрсатиб ўтилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш мажбуриятини, қарз олувчи эса ўз навбатида олинган пул маблағларини белгиланган муддатда қайтариш ва пул маблағларидан фойдаланганлиги учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

2. КРЕДИТНИНГ ШАРТЛАРИ

2.1. Молиялаштириш манбаси: _____.

2.2. Кредит суммаси _____ сўм.
(сўз ва рақам билан)

2.3. Кредитдан фойдаланиш муддати _____ ой (шу жумладан имтиёзли давр _____ ой).

2.4. Кредит бўйича асосий қарз ва фоизлар ушбу шартноманинг 1-сонли иловасида кўрсатилган жадвалга асосан дифференциал ёки аннуитет (**кераклисини қолдиринг**) тўлов усулида тўланади.

2.5. Кредит бўйича фоиз ставкаси йиллик _____.

2.6. Кредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси тури ўзгармас.

2.7. Фоизларни тўлаш муддати: _____ санагача.

2.8. Кредитнинг мақсади ва объекти: _____.

3. ҚАРЗ ОЛУВЧИНИНГ ТАСДИҒИ

3.1. Қарз олувчи қуйидагиларни тасдиқлайди ва қафолатлайди:

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосан ташкил қилинган ва рўйхатдан ўтказилган юридик шахс ҳисобланади ҳамда шартномани тузиш ва уни бажариш учун ҳуқуқий лаёқатга эга;

- ушбу шартномани тузиш ва уни ижро қилиш ҳамда шартноманинг барча шартлари қарз олувчининг таъсис ҳужжатларига зид эмас;

- кредит олиш ва уни расмийлаштириш учун Банкка тақдим этилган/этиладиган барча ҳужжат ва маълумотлар асл ва ҳақиқийлигини;

- Банкка тақдим этилган молиявий ҳисоботлар ҳақиқий ва улар қарз олувчининг ҳақиқий молиявий аҳволини акс эттиради. Қарз олувчи Банкка тақдим этган молиявий ҳисобот ва бошқа ҳужжатларда акс эттирилган мажбуриятлардан бошқа ҳақиқий ёки шартли мажбуриятларга, шунингдек бошқа шахслар фойдасига берилган кафилликка эга эмас;

- Қарз олувчига нисбатан маъмурий, арбитраж ва суд ишлари қўзғатилмаган, учинчи шахслар олдида мазкур шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бажарилмаган мажбуриятлари йўқ;

- Қарз олувчи унга Банк томонидан ажратилаётган кредит тўғрисидаги маълумотларни Кредит ахборот таҳлил маркази ва Кредит ахборот миллий институтиларига тақдим этилишига ўз розилигини берганлигини;

- Хорижий валюта курсининг ўзгариши натижасида хорижий валютада олинган кредит бўйича миллий валютадаги қарз юкининг ошиши билан боғлиқ равишда келиб чиқадиган оқибатлар унинг таваккалчилиги ҳисобланади;

- Қарз олувчи ушбу кредит маблағини олишда ўзининг ёки бошқа шахсларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларини легаллаштириш мақсадини кўзламаган;

- Қарз олувчи ўзи ва таъсисчилари тўғрисидаги маълумотлар “Банк сири тўғрисида”ги ва “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ банк томонидан белгиланган тартибда ваколатли давлат органларига тақдим этилишидан хабардор;

- кредитни қайтариш жадвали бўйича муддатида тўланмаган асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизларни Қарз олувчининг ҳисобварағидан акцептсиз ечиб олинишидан хабардор ва ушбу шартномани тасдиқлаш (имзолаш) орқали акцептсиз ечиб олинишига ўз розилигини берган ҳисобланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Банкнинг мажбуриятлари:

4.1.1. Қарз олувчига ушбу шартноманинг 2.2-бандида кўрсатилган миқдордаги кредит маблағини, шартноманинг 2.8-бандида белгиланган мақсадда фойдаланиш учун ажратиш.

4.1.2. Кредитдан фойдаланиш ҳисобини юритиш, кредит бўйича қарзни қайтариш ва фоизларни ҳисоблаш мақсадида ссуда ҳисобварағини очиш.

4.1.3. Қарз олувчини Банк томонидан кредитни муддатидан илгари ундириш фактлари ва сабаблари ҳақида хабардор қилиш.

4.1.4. Кредит маблағлари Банк томонидан жалб этилган ресурслар ҳисобидан ажратилиши режалаштирилган ҳолларда, ресурс берувчининг (Кредитор) шартлари бажарилганидан сўнг ажратиш.

4.1.5. Банк Қарз олувчига кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортган тақдирда, ушбу кредитни ажратишни тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмасдан Қарз олувчига сабаби юзасидан ёзма хабарнома юбориш;

4.1.6. Хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш бўйича қонунчиликка киритиладиган ўзгартиришлар кредит шартномасининг тегишли бандлари ўзгартирилишига олиб келган тақдирда бу ҳақда Қарз олувчига хабар бериш ва шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш чораларини кўриш;

4.1.7. Кредит шартномаси бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганда, банк Қарз олувчига муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келган санадан бошлаб 7 (етти) календарь куни давомида хабардор қилиш;

4.1.8. Қарз олувчи билан шартномада келишилган ҳар қандай алоқа боғлаш усулларида, шу жумладан электрон алоқа воситаларидан ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усуллардан фойдаланиб, Қарз олувчига муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганлиги ҳақида хабар бериш;

4.1.9. Банк Қарз олувчи томонидан шартномага асосан кредит бўйича қарздорлик суммасини тўлаш мажбурияти тўлиқ бажарилган санадан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмаган ҳолда мазкур қарз бўйича гаровда турган мулкни тақикдан чиқариш, гаров сифатида бўлган мол-мулкка нисбатан банкнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзувни гаров реестридан чиқариш чораларини кўриш.

4.2. Қарз олувчининг мажбуриятлари:

4.2.1. Кредитни ва у бўйича ҳисобланган фоизларни мазкур шартномада белгиланган муддатларда ва миқдорда тўлиқ қайтариш;

4.2.2. Кредитдан фойдаланиш даврида кредитлашнинг қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик ва муддатлилик тамойилларига риоя қилиш.

4.2.3. Қарз олувчининг молиявий аҳволини, кредит қайтарилишининг молиявий имкониятларини, кредитдан мақсадли фойдаланилганлигини (талаб этилган ҳолатларда) ва кредитланган товар-моддий бойликларнинг ҳамда гаровга қўйилган мулкнинг сақланиш ва бутлиги масалалари бўйича ва таҳлил қилиш учун Банкка ҳар чоракда солиқ идоралари томонидан тасдиқланган молиявий ҳисоботлар ва бошқа ҳужжатларни тақдим этиш.

Бундай ҳисобот Банкка чорак (*ой*) тугаганидан сўнг бир (1) ойдан кўп бўлмаган муддат ичида тақдим этилиши лозим.

Ҳар молия йили якунидан сўнг, 90 кун ичида мазкур молия йили бўйича ўрнатилган бухгалтерия ҳисоби стандартларига асосан тайёрланган, тегишли солиқ идораларида тасдиқланган Қарз олувчининг тўлиқ молиявий ҳисоботини тақдим этиш.

Қарз олувчининг молиявий аҳволига, кредитнинг қайтарилишига ва фоизларнинг тўланишига, шунингдек кредитланаётган лойиҳани амалга оширилишига салбий таъсир қилувчи ҳар қандай сезиларли ўзгаришлар ёки вужудга келган шароитлар ҳақида Банкка зудлик билан (20 кун ичида) хабар бериш.

4.2.4. Банк ходимларини мақсадли текширишлар (*қарз олувчининг молиявий ҳолати, ҳисоб юритиш ҳамда ҳисобот бериш аҳволи, кредитдан мақсадли фойдаланиш, кредитланган товар-моддий бойликларнинг ҳамда гаровга қўйилган мулкнинг сақланиш ва бутлиги масалалари бўйича*) ўтказишлари учун ишлаб чиқариш, омбор, хизмат ва бошқа биноларга киритиш, шунингдек уларнинг талабларига асосан бирламчи ҳисобот ва бухгалтерлик ҳужжатлари билан таништириш.

Мақсадли текширишларни ўтказиш муддати Банк томонидан белгиланади.

4.2.5. Ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ёки қарз олувчининг молиявий аҳволига ўз таъсирини ўтказувчи ҳар қандай бошқа қайта ташкил этиш ҳолатлари ҳақида Банкни олдиндан (15 кун аввал) ёзма равишда хабардор қилиш.

4.2.6. Мазкур шартнома амал қилиш муддати давомида қарз олувчи қуйидагиларнинг бажарилишини таъминлаши **ЛОЗИМ:**

- ўз фаолиятини малакали раҳбарлар назорати остида, лозим даражадаги самарадорлик билан қонунчиликка мувофиқ, шунингдек умум тан олинган тамойиллар ва соғлом амалиётга асосланиб амалга ошириш (фаолият юритиш);

- ўз мулкни, асбоб-ускуналари ва бошқа мол-мулкни нормал аҳволда сақлаш (асосий фондларни эксплуатация қилиш);

- бухгалтерлик ҳисобини ва ички назоратни амалдаги бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботи қоидаларига асосан олиб бориш;

- агар Банк бошқа шартларга рози бўлмаса, айланма маблағлари белгиланган меъёр (норматив)дан, шунингдек бошқа коэффицентларни (қайтариш, ликвидлик ва бошқалар) кредит бериш вақтида қайд этилган даражадан паст бўлмаган ҳолда бўлишини таъминлаш;

- кредитланаётган лойиҳани лозим даражадаги самарадорлик билан хавфсизлик, атроф муҳитни муҳофаза қилиш нормалари ва амалиётига асосан амалга ошириш;

- ҳар қандай суд низолари, шартномавий мажбуриятлардаги ёки унинг молиявий ҳолати бўйича кредитнинг қайтарилишига салбий таъсир кўрсатувчи бошқа ўзгаришлардан Банкни хабардор қилиб туриш;

- ўзининг фаолиятини амалга ошириш ва мазкур шартнома шартларини бажариш учун лозим бўлган барча рухсат ва лицензияларни ўз вақтида олиш ва уларнинг муддатини узайтириш.

4.2.7. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 776 ва 783 моддаларига асосан Банкнинг биринчи талаби билан мазкур талабни қондириш учун етарли бўлган пул маблағларини ўзининг барча ҳисобварақларидан Банк ҳисобварағига ўтказиш тўғрисида ўзига хизмат кўрсатувчи банкка топшириқ бериш.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

5.1. Банкнинг ҳуқуқлари:

5.1.1. Қарз олувчи тўловга лаёқатсиз деб топилганда, кредитни таъминлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганда, тақдим этилган кредитни қайтарилишига таъсир кўрсатувчи маълумот ва ҳисоботларнинг ҳаққоний эмаслиги шартнома имзолангандан кейин аниқланганда ушбу шартномада назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортиш.

5.1.2. Кредитлаш жараёнида ажратилган кредитга тегишли бўлган бухгалтерия ва статистик ҳисоботларни (корхонанинг молиявий-хўжалик аҳволи, кредитнинг таъминланганлиги, кредит қайтарилишининг молиявий имкониятлари, кредит лаёқатлилиги ва бошқалар) олиш ва таҳлил қилиш.

5.1.3. Қуйидаги ҳолларда Қарз олувчини бундан буён кредитлашни тўхтатиш ва фоизларни ҳамда кредит бўйича асосий қарзни муддатидан олдин, жумладан ундирувни кредит таъминотига қаратиш орқали ундириш:

- Қарз олувчи томонидан мазкур кредит шартномасида белгиланган ҳар қандай тўлов мажбуриятлари бажарилмаган ҳолларда;

- Қарз олувчининг молиявий аҳволи ёмонлашганда (зарарлар, ноликвид баланс ва бошқалар), бухгалтерлик ҳисоби лозим даражада юритилмаганда;

- мазкур шартномага асосан Қарз олувчи ҳисобот маълумотларини тақдим этмаганда, Банк назоратидан бўйин товлаганда (бош тортганда);

- кредитланаётган лойиҳа, шартноманинг бажарилишига доир Қарз олувчи томонидан тақдим этилган ҳисобот ва маълумотларнинг нотўғрилиги (ҳаққоний эмаслиги) аниқланганда;

- Қарз олувчи томонидан Банкка кредит ҳужжатлари расмийлаштирилаётганда тақдим этилган маълумотлар ҳаққоний эмаслиги аниқланганда;

- ажратилган кредитнинг қайтарилиши турли сабабларга кўра таъминланмаган бўлиб қолган ҳолларда, ёки Банк ҳулосасига кўра тақдим этилган таъминот тўлиқ ёки қисман ўз қийматини йўқотган ёки ҳақиқий эмас деб топилганда;

- кредит қайтарилишига салбий таъсир кўрсатувчи мазкур шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятлар бажарилмаганда;

- мазкур шартнома билан боғлиқ бўлган бошқа шартнома (гаров, кафолат, суғурта ва б.) шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда.

Бундай ҳолларда Банк олдиндан 10 кундан кўп бўлмаган муддат ичида Қарз олувчини хабардор қилади, аммо Қарз олувчининг Банк томонидан огоҳлантирилмаганлиги Банкнинг бундан буён кредитлашни тўхтатиш ва фоизларни ҳамда кредит бўйича асосий қарзни муддатидан олдин ундирига бўлган ҳуқуқига ўз таъсирини ўтказмайди.

5.1.4. Бевосита Қарз олувчи жойлашган ерда мақсадли текширишларни амалга ошириш.

5.1.5. Қарз олувчининг кредит тарихини шакллантириш учун зарур бўлган маълумотларни Кредит ахборот таҳлил маркази ва Кредит ахборот миллий институтларига тақдим этиш.

5.1.6. Мазкур Шартнома бўйича Банк ўзининг қонуний талабларини қаноатлантириш учун зарур бўлган тегишли пул маблағларини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 783-моддасига мувофиқ Қарз олувчининг барча ҳисобварағларидан унинг топшириғисиз сўзсиз (акцептсиз) тартибда тўлов талабномаси ёки мемориал ордер орқали кўчириб (ундириб) олиш.

5.1.7. Қарз олувчига ажратилган кредитлар бўйича муддати ўтган асосий ёки фоиз қарздорлиги юзага келган шартнома бўйича ажратилмасдан турган банк мажбурияти банк томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин.

5.2. Қарз олувчининг ҳуқуқлари:

5.2.1. Кредит маблағлари ажратилгунига қадар кредит олишдан бепул асосда воз кечиш.

5.2.2. Кредит маблағларини муддатидан олдин қайтариш.

5.2.3. Кредит қарзорликлари бўйича Банкдан маълумотлар олиш.

5.2.4. Кредитлаш ва ҳисоб-китоблар бўйича Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларидаги ўзгаришлар ҳақида Банкдан маълумот олиш.

6. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ ВА ШАРТНОМА БАҲОСИ

6.1. Банкнинг кредит ажратиш юзасидан мажбурияти вужудга келганидан кейин, Қарз олувчининг тўлов ҳужжатида асосан Банк кредитни мазкур шартномада кўрсатилган шартлар асосида Қарз олувчининг ссуда ҳисобварағидан пул ўтказиш йўли билан ажратади (нақд пулда ажратиладиган кредитлар бундан мустасно).

6.2. Қарз олувчи берилган кредит учун фоизларни Банкка мазкур шартномада белгиланган муддатда ва миқдорда Банк амалга оширган ҳисоб-китоб асосида тўлайди.

6.3. Кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ҳар куни Банк томонидан ҳисоблаб борилади.

6.4. Қабул қилинган муддатли мажбуриятномалар ҳамда мазкур шартнома шартларига асосан ажратилган кредитни ҳамда у бўйича фоизларни қайтариш Қарз олувчининг тўлов топшириқномасига асосан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

6.5. Қарз олувчи қарзини унинг мажбуриятлари бўйича қайтарилиши қуйидаги тартибда белгиланади:

- Комиссиялар, жарималар, пенялар, муддати ўтган асосий қарзга юқори фоизлар;
- Муддатли асосий қарзнинг муддати ўтган фоизлари;
- Муддати ўтган асосий қарз;
- Муддатли фоизлар;
- Муддатли асосий қарз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги ПҚ-292-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очик мулоқатида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг 10-бандига асосан тўлов миқдори кредит мажбуриятларини бажариш учун етарли бўлмаганда, маблағларни, биринчи навбатда, мутаносиб равишда муддати ўтган асосий қарз ва фоиз қарздорликларини, иккинчи навбатда жорий тўлов учун ҳисобланган фоизлар ва асосий қарзни, кейинги навбатларда неустойка ва ижро харажатларини қоплашга йўналтириш тартиби ўрнатилади.

Қарз олувчи томонидан кредит бўйича асосий қарз ва фоизларни тўлаш муддати ўтказиб юборилганда, Банк қарз олувчининг барча ҳисобварағидан керакли суммани унинг топшириғисиз сўзсиз (акцептсиз) тартибда тўлов талабномаси ёки мемориал ордер орқали ҳисобдан чиқаради (ундириб олади).

7. КРЕДИТ ҚАЙТАРИЛИШИНИНГ ТАЪМИНОТИ ВА УНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

7.1. Томонлар ўртасида тузилган _____ “_____” _____ даги Бош келишув асосида олинган таъминотлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажарилишини таъминоти сифатида қаралади ва қайта таъминот сифатида расмийлаштирилмайди.

7.2. Банк Қарз олувчидан кредит қайтарилиши учун қўшимча таъминот талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Мажбурият бажарилишининг ҳар хил таъминот турлари мавжудлиги бир бирига зид эмас, ҳар бир таъминот мустақил бўлиб, бир бирига боғлиқ бўлмайди.

7.3. Ундирувни таъминот предметига қаратишга тўғри келганда, Банк ўз хоҳиши билан ундирувни ёки таъминотнинг хоҳлаган бир турига ёки ҳаммасига қаратишга ҳақли.

7.4. Кредит бўйича мажбурият бажарилишини таъминлаш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ барча ҳаражатлар Қарз олувчи томонидан амалга оширилади.

7.5. Қарз олувчи кредит таъминотини кредит суммасининг 125% дан кам бўлмаган даражада ушлаб туриш мажбуриятини олади.

8. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Асосий қарзни қайтариш муддати кечиктирилганда (муддати ўтган кредит юзага келганда), Қарз олувчи Банкка бутун кечиктирилган давр учун шартномада белгиланган фоиз ставкасининг 1,5 барабар оширилган миқдорида юқори фоиз тўлайди.

8.2. Мазкур шартномада кўрсатилган муддатда кредит ажратилмаганда, Банк қарз олувчига кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,1% миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 10 % дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

8.3. Томонларнинг юқори фоиз ёки пенялар тўлаши шартнома шартларини бажариш мажбуриятидан озод қилмайди.

8.4. Мазкур шартномада белгиланмаган ҳолатлар жавобгарликлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ўрнатилади.

9. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

9.1. Томонлар ушбу шартнома юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган келишмовчилик ва низоларни музокара ва маслаҳатлар йўли билан ҳал қилишга ҳаракат қиладилар.

9.2. Агарда кўрсатиб ўтилган келишмовчилик ва низолар музокаралар йўли билан ҳал этилмаса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан шартнома имзоланган (БХО/БХМ) жойлашган жойдаги судда кўриб чиқилади.

9.3. Ушбу шартнома билан боғлиқ бўлган ҳар қандай суд жараёнида, шартномадан келиб чиққан ҳолда Банкка тўланиши лозим бўлган барча пул маблағлари бўйича Банк ҳужжатлари мазкур пул маблағлари Банкка тегишлилигини ва унга тўлаб берилиши лозимлигини исботловчи *prima facie* (бирламчи) далил бўлиши лозим. Хусусан, Қарз олувчининг ҳисобварақларидан Банк кўчирмалари, агар уларда яққол кўриниб турган хатоликлар бўлмаса, Қарз олувчининг шартнома бўйича тўлов мажбуриятлари вужудга келганлигининг ва/ёки бажарилганлигининг яқуний далили ҳисобланади.

10. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

10.1. Агар шартнома имзолангандан сўнг, тарафларнинг эрки ва истагига боғлиқ бўлмаган ҳамда олдиндан кўра билиб ёки олдини олиб бўлмайдиган, фавқулодда вазиятлар оқибатидаги енгиб бўлмас куч туфайли тарафлар мазкур Шартнома бўйича олган мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажара олмасалар (форс-мажор), бунинг учун улар жавобгар бўлмайдилар.

Бунда тарафларнинг ҳеч бири, ажратилган кредитни қайтариш бўйича мажбуриятдан ташқари, кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплашни талаб қилишга ҳақли бўлмайди.

10.2. Қуйидагилар фавқулодда вазиятлар (форс-мажор) бўлиб ҳисобланади: сув тошқини, ёнғин, зилзила, портлаш, бўрон, ер кўчкиси, эпидемия ва бошқа табиат ҳодисалари, уруш ёки ҳарбий ҳаракатлар, фуқаролик тартибсизликлари, террорчилик ҳаракатлари, ҳукумат ва давлат органларининг актлари.

10.3. Тарафлар форс-мажор ҳолатлари вужудга келганлиги ва тугаганлиги ҳақида зудлик билан ёзма равишда бир-бирларини хабардор қилишлари лозим.

10.4. Форс-мажор ҳолатига асосланаётган тараф, ваколатли давлат идорасининг бундай ҳолатларни вужудга келганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатини тақдим этиши шарт.

11. БОШҚА ШАРТЛАР

11.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан эътиборан кучга киради ва томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амалда бўлади.

11.2. Ушбу шартноманинг шартларини ўзгартириш ёки уни бекор қилиш қўшимча келишув тузиш орқали амалга оширилади. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар бир ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда тузилиб, томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан ва муҳр билан тасдиқлангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Барча ўзгартириш, қўшимчалар ва иловалар мазкур шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

11.3. Ушбу шартнома бекор қилинишида қарз олувчи кредит бўйича асосий қарзни ва ҳисобланган фоизларни тўлиқ қайтариши шарт.

11.4. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган, у билан боғлиқ бўлган барча муносабатлар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

11.5. Томонларнинг банк реквизитлари, манзиллари ўзгарган ҳолларда албатта бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

11.6. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада (7 варақда) тузилди.

12. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ, ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ, ИМЗОЛАРИ

Банк	Қарз олувчи
Манзил : _____ р/с _____ МФО: _____ ОКОНХ: _____ ИНН: _____	Манзил : _____ р/с _____ МФО: _____ ОКОНХ: _____ ИНН: _____
Бошқарувчи _____ Бош бухгалтер _____ Юрист _____ муҳр, сана ____ ____ 20 ____ й.	Директор _____ Бош бухгалтер _____ муҳр, сана ____ ____ 20 ____ й.